



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 19 май, жума № 19 (402)

Сотувда нархи эркин

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида транспорт ва алоқа тизимида рақобатни кучайтириш, ривожлантириш ва лицензиялашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари уринбосарлари, жойлардаги транспорт ва алоқа тизими мутахассислари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Республикалари алоқа маъмуриятларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Анжумани Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди.

Маълумотларга қура, бугунги кунда республикаимиздаги мавжуд автотранспортнинг 915

мингтаси жисмоний шахсларга тегишлидир. Ачинарлиси шундаки, жисмоний шахсларга дахлдор автотранспортларнинг бор йўғи 127 мингтаси лицензияга эга. Қолганлари ноқонуний равишда ҳаракат қилишмоқда.

Бу автотранспортларни лицензиялашни босқичма-босқич амалга оширмасдан туриб, тизимда соғлом, ҳалол рақобатни юзага келтириб бўлмайди.

Анжуманда, шунингдек почта ва телекоммуникация тизимида операторлик сонини ошириш, лицензиялаш ва сертификациялашни тезлаштириш хусусида ҳам суз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари В. Отаев қатнашди.

И. АХМЕДОВ

Тошкент электротехника Алоқа институтида куплаб маънавий-маърифий йуналишдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Талаба ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказишлари раҳбарияти диққат марказидадир. Шу мақсадда апрел-май ойлари давомида факультетлараро «Талабалар баҳори» курик-танлови ўтказилди. Голблар пул мукофоти билан тақдирландилар. Яқинда эса Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан келиб ўқийётган талабаларнинг мазкур вилоятлар алоқа корхоналари раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Олий маълумотли ёш мутахассисларни алоқа корхоналари билан яқиндан таништириш, уларни тажриба орттиришлари учун шароит яратиш, ёшларни ўқишга юборган ташкилотлар олдидаги жавобгарликларини ошириш,

Ватанга, танланган касбга меҳр-муҳаббат уйғотиш, ниятида ана шундай учрашувлар амалга оширилмоқда.

Водийлик талабаларнинг «Маҳаллий Телеком» ва инсти-

дорчиликларини билдирдилар.

Ҳар бир вилоят электралоқа корхоналари раҳбарлари уз вилоятларидан келган талабалари билан алоҳида суҳбатлар ўтказишди.

## ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН ТАЛАБА?

тут раҳбарлари билан учрашуви эса институтнинг мажлислар залида ўтказилди. Тадбирни институт ректори, профессор С. Қосимов очди. «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Журабоев, «Наманган Телеком» ХЖ бош директори К. Боқиев, «Фарғона Телеком» ХЖ бош директори Д. Тошматовлар ҳам сузга чиқишиб, телекоммуникация тизимидаги узгаришлар ҳамда мураккаб техникани бошқариш учун чуқур билим зарурлиги ҳақида гапиришди.

Уз навбатида ёшлар ҳам сузга чиқишиб, институт раҳбарияти ва меҳмонларга шундай учрашувни ташкил этганликлари учун ўз миннат-

Вилоятлардан келган меҳмонлар талабалар билан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуини зиёрат қилдилар. Талабаларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиб, бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашди.

Шу каби тадбир Қашқадарё вилояти алоқа корхоналари билан ҳамкорликда ўтказилган эди. Айни пайтда Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари билан ҳамкорликдаги тадбирга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

А. ХУСАНОВА,  
ТЭАИнинг маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи

## «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА»

«УЗЭКСПОМАРКАЗ»-да «Ўзбекистон XXI аср бусағасида» халқаро курғазмаси ўтказилди. Ўзбекистон ҳукумати ва Буюк Британиянинг «ITE» компанияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда 25 мамлакатнинг 130 дан ортиқ фирма ҳамда компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Жумладан, курғазмада нефть-газ, тоғ-кон саноати, телекоммуникация, қурилиш техникаси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш қилинди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва «Маҳаллий Телеком» АК ушбу курғазма ҳомийларидан бири бўлишди.

Курғазма барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Тошкент Алоқа коллежи ходимлари ва талабалари коллеж ташкил топган кунини нишонлаш учун қизгин тайёргарлик куришмоқда.

Қутлуг сана муносабати билан «Энг намунали аудитория — лаборатория», «Энг намунали гуруҳ ҳамда булим», «Энг чиройли ва мазмунли деворий газета», «Ётоқхона ўз уйимиз» каби мавзуларда мусобақалар ўтказилади.

Бугунги кунда коллежнинг барча ўқув хоналари, биналари таъмирдан чиқарилди. Коллеж ҳудудини ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Шунингдек, юбилей муносабати билан коллеж тарихи-

ни ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи 20 га яқин курғазмалар тайёрлаб куйилди.

Коллежнинг биринчи ётоқхонасида капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Тадбир куни коллеж мураббийлари, талабалари ҳамда меҳмонлар учун ушбу санани акс эттирувчи курак нишонни тайёрланди.

Тадбирни янада баланд руҳда ўтказиш мақсадида талабалар томонидан «Алоқачи буламиз!» концерт дастури тайёрланмоқда.

Гулноза НАСРИДДИНОВА,  
Тошкент Алоқа коллежи талабаси

## ДЕНОВДА ТАҚДИМОТ

Сурхон воҳаси меҳнаткашлари учун катта қулайлик яратилди. Термиз шаҳридан сунг Денов туманида ҳам рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Бу орқали вилоятнинг Шурчи, Олтинсой, Денов, Сароисиё ва Узун туманларидаги 13 мингдан зиёд телефонларга дунёнинг исталган манзили билан боғланиш имконияти яратилди. Замонавий рақамли

телефон станциясини бунёд этишда Швеция, Хорватия, Қирғизистон мамлакатлари ишбилармонлари ва «Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси мутахассисларининг хизмати катта бўлди.

Янги телефон станциясининг тақдимот маросимида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев, Сурхондарё вилояти ҳокими уринбосари Қ. Аҳмедов, Шве-

циянинг «Эрексон-Никола-Тесла» фирмаси вакили Ке-зеле Злотко, Индонезиянинг Ўзбекистондаги уяли телефон бўйича оператори жаноб Пуранти ва бошқалар алоқа хизмати корхоналарининг жаҳон андозаларига мос жиҳозланаётганлиги мижозларга кенг имкониятлар бериши ҳақида гапиришди.

Н. ЗИЁЕВ,  
Сурхондарё вилояти

Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси таркибий тузилмаларида тозалик, ободончилик ва ходимларга муносиб иш ша-

саҳнини ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан нуфузли комиссия аъзолари ўз баҳоларини

## ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

роитлари яратиш бўйича ойлик ўтказилди. Шаҳар ва туманлар таркибий тузилмалари тасарруфидаги алоқа линияси кабеллари ва станция иншоотларини тартибга келтириш, бинолар атрофи ҳамда

бердилар. Вилоят миқёсида ўтказилган ушбу ойлик натижаларига қура Вобкент туман электралоқа боғламаси меҳнат жамоаси голиб деб топилди, 100 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди.

## АЗИС МУШТАРИЙЛАРИ!

«ХАВАР» газетасига 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обун бўшланди.

Навр курсаткичи: Якка тартибдаги обуначилар учун 227.

Ташкилот ва корхоналар учун 228.

Ҳар ҳафтанинг муборак жума куни «ХАВАР»ни олишга шошилинг!



**Истиклол йилларида бутун республикаимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётта, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ўзгаришлар рўй берди.**

# КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

**Жамоатчи мухбиримизнинг Бухоро вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВ билан мулоқоти шу хусусда бўлди:**

— Маълумки, 1995 йил, 1 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорни уз вақтида бажариш юзасидан виллоят миқёсида белгиланган тартиблар ва амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритсангиз.

— Дастлаб шуни айтиб ўтишим керакки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олиб ўтилган қарори эълон қилинганча, Бухоро вилояти ҳокими томонидан ҳам тегишли қарор қабул қилиниб, зарур тадбирлар белгилаб олинди. Виллоят миқёсидаги дастурда шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари қувватларини ошириш, шунингдек, шаҳарлараро телефон алоқа каналлари сони ва сифатини яхшилашнинг, уларни 2010 йилгача ривожлантириш ва реконструкция қилишнинг истиқбол режалари тўғрисида. Жумладан, 2010 йилга бориб шаҳар телефон тармоғидаги АТСларнинг умумий қуввати 200 мингтага, қишлоқ телефон станцияларининг қуввати эса 100 мингтагача етказиб,

умумий абонентлар сони шаҳарда 180.065 тани, қишлоқ жойларида эса 80 мингтани ташкил этадиган бўлади. Ҳар 100 кишига турғи келадиган телефонлар сони шаҳарда 33,2 тага, қишлоқда эса 6,21 тага етказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари шаҳарлараро ва халқаро алоқа тизимларига чиқиш каналларининг умумий сони 7506 тага етказилиб, уларни ҳосил қилувчи қурилмаларни замонавий рақамли техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлантириш мўлжалланган. Шунингдек, алоқа корхонасига қарашли барча шаҳар ва туман электралоқа боғламаларидаги янги рақамли телефон станцияларини янги рақамли телефон станцияларига алмаштириш кўзда тутилган. Бухоро шаҳрида шаҳарлараро ҳамда халқаро автомат телефон станцияси қурилиб, ишга туширилиши, виллоятда шаҳарлараро ва халқаро алоқага чиқиш алмашувларини автоматлаштириш даражасини 98 фоизга етказиш кўзда тутилган.

— Виллоят телекоммуникация тармоғини қайта қуришда хорижий технологиядан қандай фойдаланилмоқда?

— Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий технологиянинг аҳамияти ниҳоятда катта эканли-

ги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шуни назарда тутган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Биргина мисол. 1996 йил Жаңубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан 9367,8 минг АҚШ доллари қийматида шартнома имзоланиб, Бухоро шаҳридаги қуввати 30000 рақамга тенг бўлган эски АТСлар ДТС — 3100 русумли рақамли, замонавий станциялар билан алмаштирилди.

— Рақамли алоқа тизимларининг бундан аввалги тизимлардан фарқи нимада? Уларнинг қандай афзалликлари бор?

— Виллоятимизда ҳозирги пайтда ягона 7 та рақамдан иборат узаро улашиш тизими жорий қилинган бўлиб, виллоят ҳудудида абонентлар бир-бирларига қўшимча код термасдан телефон қилиш имконига эга бўлдилар. Янги станцияларда абонентлар учун 20 га яқин хизмат курсатиш турлари мавжуд.

— Рақамли телефон станцияларининг ишга тушиши маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сузлашувларга қандай таъсир қуртди?

— Албатта, катта ижобий таъсир қуртмоқда. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сузлашувлари ҳажми кескин ошди. Айниқса, маҳаллий сузлашувларнинг ҳисоб-китобини вақтбай тизимига ўтилиши корхонамиз иқтисодиётининг қокчилиши учун зарур имкониятларни яратди. Жумладан, 1998 йилнинг июль ойидан бошлаб утган давр ичида маҳаллий сузлашувлар сони 67,7, шаҳарлараро ва халқаро

сузлашувлар сони 62 фоизга кўпайди.

— Аҳолига телефон хизмати курсатиши яхшилаш борасида яна қандай ишлар амалга оширилляпти?

— Корхонамиз жамоаси аҳолига сифатли ва юксак маданият даражасида алоқа хизмати курсатиш мақсадида хизмат турлари ва ҳажмини кўпайтириш учун тинимсиз ишлаяпти. Изланишлар уз самарасини берапти.

2000 йил, 1 январь ҳолатига қура телефон урнатиб бериш сўраб аҳолидан 2808 та ариза тушган эди. Шу йилнинг охиригача бу аризаларни ижобий ҳал этиш режалари тузиб чиқилган. Оилаларнинг электралоқа хизматига бўлган талабларини урганиб чиқиш мақсадида маркетинг хизмати амалга оширилмоқда. Бундай оилалар сони ҳозирги пайтда 311186 тани ташкил этади. Корхонамиз ходимлари оилаларда бўлиб, телефон хизмати турлари, уни урнатиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот беришмоқда.

— Корхона истиқболли кадрлар белгилаши рост. Ушбу йўналишдаги ишлар хусусида ҳам фикр юритсангиз.

— Чиндан ҳам кадрларга турғи муносабатда бўлган жойларда шубҳасиз муваффақиятларга эришилади. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш, доимий диққат этиборимизда. Ҳозирги пайтда корхонамиз-

да 255 нафар олий маълумотли, 209 нафар урта махсус маълумотли мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар иш олиб боришмоқда.

— Замонавий электрон ҳисоблаш машиналарининг корхонамиз фаолиятидаги ўрни хусусида ҳам уз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Бажонидил, Корхонамиз ишлаб чиқариш жараёнининг асосий қисмларидан бири бўлган электралоқа хизмати учун туловларни амалга ошириш муаммоларини ҳал этиш мақсадида Бухоро шаҳрида 4 та, виллоятимиз туманларида эса жами 11 та мана шундай пул тулаш шаҳобчалари ягона компьютер тизими ёрдамида фаолият қуртмоқда. Шаҳарлараро телефон станцияси орқали утадиган барча турдаги сузлашувлар ҳисоб-китоблари шаҳар ва туманларга моделлар ёрдамида компьютерлар орқали юборилади. Бухоро шаҳар телефон тармоғида эса «08» ва «09» хизматлари учун алоҳида компьютер тизими ташкил этилган. Бу кундалик иш жараёнини марказлашган тартибда назорат этиш имконини беради.

Муस्ताқиллик шарофатини, соҳамиз ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, барча меҳнат жамоалари кундалик ҳаётда ва ижтимоий фаолиятларида аниқ ҳис қилишадди. Улар бундан кейин ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлашга уз меҳнатлари билан ҳисса қўшаверадилар.

**А. ИСТАМОВ,  
Бухоро вилояти**

## «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҳиссадорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2000 йил, 9 июнь соат 10.00 да Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

**Манзил: А. Толстой кўчаси, 1-уй.**

**Рўйхатга олиш 9.00 дан бошланади.**

### КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг 1999 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари ва 2000 йил фаолиятининг асосий йўналишлари.
2. Тафтиш Комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Соф фойданинг тақсимланишини тасдиқлаш.
4. «Ўзбекистон почтаси» ДАК Кузатов Кенгаши ваколатини мўддатидан олдин тухтагиш ва Кузатов Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
5. 2000 йилга аудиторни тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

**Мурожаат учун телефон: 133-57-47.**

## «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясининг 2000 йил 1 январь ҳолати бўйича БАЛАНСИ

N	Актив	ҳисобот даври якунига кўра маблағ миқдори	N	Пассив	ҳисобот даври якунига кўра маблағ миқдори
1	Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олган ҳолда	11630	1.	Устав капитал	392673
2	Номатериал активлар эскиришини ҳисобга олган ҳолда	429078	2.	Заҳира капитал	
3	Ишлаб чиқариш заҳиралари	3952	3.	Тақсимланган фойда	20768
4	Пул маблағлари	45722	4.	Узоқ мўддатли кредитлар	
5	Дебиторлар	177942	5.	Олинган аванслар	97705
	<b>Баланс</b>	<b>668324</b>	6.	Кредиторлар	157178
				<b>Баланс</b>	<b>688324</b>

### 1999 йилги молиявий натижа

N	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар аҳамияти
1	Махсулотлар сотишдан олинган тушум	208600
2	Асосий фаолият бўйича молиявий натижа	10103
3	Умумҳўжалик фаолият бўйича молиявий натижа	45815
4	Ҳисобот давридаги соф фойда	20768

**Балансининг тўғрилиги «Аломат-Аудит» МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1996 йил 31 октябрда берилган 210-сонли лицензия) томонидан тасдиқланган.**

## ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИДА ЎҚИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

2000/2001 укув йилига қабул эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 20 май куни соат 14.00 дан 17.00 гача коллежда «Очиқ эшиклар» куни ташкил этилади.

Шу куни барча қизиқувчилар коллеж ҳақидаги маълумотлар — ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитлари билан таништирилади.

### «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИГА МАРҲАМАТ!

**Манзил, У. Юсупов кўчаси, 70-уй.  
Маълумот учун телефонлар: 41-12-48, 41-19-80.**

## ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 20 МАЙ КУНИДАН БОШЛАБ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ

Курсларга 9 ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади. Машгулотлар математика, она тили ва адабиёт дарслари бўйича узбек ва рус тилларида олиб борилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70 уй.

**Маълумот учун телефонлар: 41-12-48, 41-19-80.**

## АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

### ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИДА

техника олий укув юртларига кирувчилар учун математика, физика, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанлари бўйича 1 ойлик курсларда машгулотлар жорий йилнинг 26 июнидан бошланади.

Машгулотлар тажрибали укутувчилар томонидан 1996-2000 йил тест синовлари асосида ўтказилади.

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Амр Темур кўчаси, 108-уй.

**Телефон:**  
**35-97-91 (кундузи);  
23-02-35 (кечкурун ва дам олиш кунлари).**

## «КОНДИЦИОНЕР» ҚҚ МУСАФФОЛИК САЛТАТИ

ЛОЙИҲАДАН ЙИГИШГАЧА

## ВЕНТИЛЯЦИЯ

ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ҚУРИЛМАЛАР АСОСИДА

**БУ САЛТАНАТ СИЗГА ФАҚАТ ҲАДЯ ҚИЛАР СОФ ТАБИАТ.**

**СИЗЛАР УЧУН БИЗНИНГ ЭШИК ОЧИҚ ДОИМ — МАРҲАМАТ!**

ВЕНТИЛЯЦИЯ ЖИҲОЗЛАРИ СОТУВИ

## КОНДИЦИОНЕРЛАР

«ELECTRA» (ИСРОИЛ) ДЕРАЗАГА ЎРНАТИЛАДИГАН, МОНО,  
«MITSUBISHI» (ЯПОНИЯ) КАССЕТАЛИ, МУЛТИ-СПЛИТ, УСТУНЛИ,  
«CLIVET» (ИТАЛИЯ) КАНАЛЛИ (МАРКАЗЛИ) ФАНКОЙЛАР

\* ПАСТ ҲАРОРАТДА ИССИҚ/СОВУҚ ТАРТИБДА МУНТАЗАМ ИШЛАЙДИ

\* ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН

\* ҚУЛАЙ НАРХ ВА ЧЕГИРМАЛАР

**КАФОЛАТЛИ, КАФОЛАТДАН СЎНГИ ВА СЕРВИС ХИЗМАТИ**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**96-60-42, 191-64-64.**

E-mail:  
hvacuz@e-pool.eanetways.com

**МАНЗИЛ: 700171, ТОШКЕНТ, ЛИСУНОВ КЎЧ, 4.**



# ИСТИРЖОЪ ХОСИЯТИ

(Бўлган воқеа)

Иш билан кетаётган эди. Бир киши машинасига қўл кутарди. Афтидан шоши-лаётганга ухшарди. Йўлим булса, ола кетарман, деган хаёлда тухтади. Йўловчи машинага чиқа солиб, ўзи мелисада ишлашини, бир қаринани кимдир улдириб кетгани ва шу ишни қизигида ҳал қилиши лозимлигини айтиб, тезроқ юришга кистади. Йўл-йўлакай формада юришни ёқтирмаслигини, шунинг деб бошлиқлардан гап эшитаётганини ҳам сузлаб берди.

Бир магазин олдида келганда тухтади: «Қанча пулингиз бор, ҳаммасини бериб туринг, боғи ишга алоқадор бир сабаб билан ҳали шу ердан пул олиб турувдим, уйга бориб олиб бераман», деди. Анчагина пулни олиб, магазинга ки-

риб чиқди. «Қарз бўлиб юришни ёқтирмайман, машинани уйга ҳайданг», дея ортга қайтишга буюрди. Бир уй олдида тухтади, ичкарига кириб кетди.

У кучада анча кутиб қолди. Орада шомни ҳам уқиб олди. Ҳалиги одамдан дарак булавермади. Охири у кириб кетган уй йўлагига кирди. Не кўз билан курсинки, йўлакнинг у томонидан ҳам эшик бор эди.

Наҳот алданган булса? Бозор-учарга деб ажратган пулини аллақандай нотаниш йўловчининг қўлига тутқазиб қўйса-я!

Афсусланиб ўтириб, бирдан Расулulloҳнинг (с.а.в.): «Пойф-залингизнинг боғичини

йўқотсангиз ҳам, истиржоъ (инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун)айтинг», деган мубо-рак сузларини эслади. Эсла-ди-ю чин дилдан «истиржоъ» ни такрорлади. Қалбида қан-дайдир таскин ва ҳаловат пай-до бўлди.

Шу ҳаловат оғушида иши-ни битказиб қайтаётган эди, кимдир қўл кутарди. Беихтиёр машинасини тухтади. У киши машинага чиқа солиб: «Мели-сада ишлайман, бир қария-ни...», дея гап бошладию бир-дан бақрайиб қолди...

«Мусулмонлар тақвими китоби»дан



ЎҚИБ КЎРГИН, ҚИЗИҚ ЭКАН!

С.ДАВЛАТОВ олган сурат

# НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

Нонни эъзозлашимизнинг, тежаб-терғашимизнинг боиси бор. У ҳам булса, ноннинг дори-дармон вазифасини ба-жаришидир. Чунки нон тарки-бида инсон учун энг зарур моддаларнинг 100 дан ортиги мужассамлашган. Шулардан асосийлари: аминокислотла-лар, оқсил моддалар, калий, кальций, магний, темир, натрий ва бошқа минерал мод-далардир. Бундан ташқари, яна бирмунча микроэлемент-лар борки, буларни нон орқали қабул қилмай инсон-нинг яшаши қийин. Қисқаси, нон емаган одам касал бўлади ва керагидан зиёд еса ҳам ка-салликка учрайди. Нон дар-мон неъмат бўлганлигидан уни

меъёрида истеъмол этмоқ ло-зим. Бинобарин, ҳар бир киши-нинг бир кеча кундузлик нон истеъмол этишининг физиоло-гик миқдори 400 грамм эканли-ги аниқланган.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кура: инсон вужуди жавдар ёки бугдой нонидан оқсилнинг 25-30, углеводларнинг 30-40 фо-изини қабул қилади. Шунинг учун ҳам нонни вужуд талаби-дан кам ёки кўп истеъмол этиш зийн ва хатодир.

Дунёда инсонга ором бера-диган хушбўй ҳид — эндигина тандирдан узиб олинган пурсилдоқ, иссиқ нон ҳиди. Чун-ки нон таркиби бой бўлиб, энг

мураккаб элементлардан таш-кил топган, ана шунинг учун ҳам нон ширин, мазали ва жон-га дармон ҳисобланади, бун-дай хид беморни тетиклашти-риб, даволайди.

Бундан 5 минг йил бурун қадимги Хитойда экиш маро-симини ҳар йили байрам қилин-ган. Шу кун императорнинг узи эгат бўйлаб юриб, дон уруғи сепган.

Нон узоқ вақт қотмаслиги учун полиэтилен халтада сақлаш керак, лекин халтани ҳар ҳафтада камида бир маро-таба совуллаб ювиб турмаса, нон могорлаб қолади.

Қора ва оқ нонни алоҳида-алоҳида сақласангиз, улар қот-майди ва могорламайди.

Қотган нонни юмшатиш учун хўл мато билан ураб, 2-3 минут 150 даража қиздирил-ган духовкага қўйиб олиш ке-рак.

## • Бу — қизик!

### «ГАЗЕТА» СЎЗИ КАЕРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН?

XVI асрда Венецияда мисдан майда чақалар зарб этилган бўлиб, уни «газета» деб аташ-ган. Бу ерда биринчи бор мат-баа нашри «Ёзма ахборот» пай-до бўлганда, унинг баҳоси бир газетга тенг бўлган. Бунга шун-чалар одатланганки, кейинчи-лик чақанинг номи нашр номи-га ўтиб кетган. Бу «ном» италя-ян тилидан бошқа тилларга, жумладан рус тилига ҳам, ўзбек тилига ҳам ўтган.

### КИТОБ ҲАҚИДА

Китобнинг муқоваси XVI аср-да пайдо бўлган. Супержилд «Super» («супер») лотин тилидан таржима «устидан», «устига» деган маънони англатади. Бу китобнинг муқоваси устидан кий-гизиландирилган жилд. Супержил-дга асримизнинг матбаачилари «ҳаётга йўлланма» бердилар. Узоқ тарихга эга бўлмаса-да, ле-кин заруратдан яратилган.

# ҲИКМАТЛАР

Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли хулқдир.

Дуст уч тонфали бўлади. Биринчиси, овқат кабидир ва улардан ҳеч ажраб бўл-майди. Иккинчиси, давога ухшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дард-га ухшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

Байт:  
Толеи ёр билар  
дустликнинг қадрин,  
Муҳаббат мухрини уриб  
жонига.

Ҳикмат: Ваҳоб бин Маб-нанинг айтишича, хийладан холи бўлмаган олим ўгри-дир, ақл либосини кийма-ган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Байт:  
Нодон хато қилса,  
раводир унга,  
Айб қўйиб бўлмас,  
йўлни билмайди.  
Ҳайвондан минг марта  
ёмонроқ ҳар ким,  
Йўлни билиб унга амал  
қилмайди.

Бир кунни Анушервон мак-лис уюштириб мулозимлари-

дан: «Энг юмшоқ нарса нима?» деб суради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди.

Биров эса: «Товуқ парлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ на-рса нима бўлиши мумкин» деди. Шу онда ҳалиги йигит сарой устида турган эди. Му-лозимлар жавобидан Ану-шервоннинг кўнгли тўл-маганини кўриб, сўзлашга ижозат суради. Ижозат бўлган деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушер-вон унга офарин айтди ва яна суради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат кўзгатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!» деди. Яна суради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «Ақлни зое қилмай-диган, касаллик кўзгат-майди». Яна суради: «Гуллардан энг хуш ҳидли-си қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тириклигида хур-санд қиладиган, улганда но-мини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган мўносиб фар-занддир!»

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

Муқова устидан кийдириладиган жилд китобни турли зарарлар-дан — қуёш нури, чанг, тирна-лаш, доғдан асраш учун уйлаб топилган. Жилд ичида китоб куй-майди, кирланмайди, муддати-

дан илгари эскирмайди, китоб чиройли кўринади. Супержилд аксарият ҳолларда ялтироқ, гул-дор бўлади. Баъзида унга маъ-лумот берадиган ахборот мате-риаллари ҳам босилади.

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Жиззах Телеком» шўба корхонаси ва Касаба уюшма кумитаси шўба корхонанинг капитал қурилиш ва лойиҳалаш бўлими менежери **А. АБДУАЛИЕВ**, линия ка-бель цехи бўлими бошлиғи **О. БОЙМАТОВ** ва хужалик ишлари мудри **Б. ХИДИРОВ**ларни тугилган кунлари би-лан табриклайди. Уларга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, кел-гуси ишларида улкан зафарлар тилайди.

Хурматли қизимиз **МУҲТАРАМА!**  
Сени ун саккиз баҳоринг билан табриклаймиз! Етуқ хуқуқшунос бўлишдек эзгу мақсадинг рубёга чиқсин.

Тургуновлар оиласи,  
Тошкент шаҳри

«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамияти Куйганёр шаҳобчаси ҳамда «Андижон Телеком» ХЖ Куйганёр бўлими жамоаси **Бокижон АБДУРАҲИМОВ**ни 60 ёши билан табриклайди. Унга оилавий хотиржамлик, сийҳат-саломатлик тилайди.

### МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲИМОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёкубжон ХУҲАМБЕРДИ

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Саидмаҳмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариқмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма №Г-402.  
7225 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга тотишириди — 19.00  
Босишга тотишириди вақти — 18.00

123456



